


VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

1- БЎЛИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ Сони

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари сони қарийб 30,0 мингтага етди (2023 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 376 тага камайди). Шундан экспортёрлар сони 6,7 мингта (2023 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 293 тага кўпайди)ни ташкил этган бўлса, 23,9 минг (2023 йилга нисбатан 669 тага камайди) импортёрлар томонидан товар ва хизматлар импорт қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси иштирокчилари (2024 йил январь-сентябрь, бирликда)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида энг кўп экспортёрлар сони бўйича Тошкент шаҳри (жамига нисбатан 30,5%)га, Тошкент (13,8%), Фарғона (10,0%), Самарқанд (8,2%) ва Наманган (6,7%) вилоятлари етакчи ўрин эгаллади. Экспортчиларнинг энг кам улуши эса Жиззах (2,2%), Навоий (2,4%) ва Хоразм (2,5%) вилоятларида қайд этилди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида энг кўп импортёрлар Тошкент шаҳрига тўғри келган бўлса (жамига нисбатан 47,3%), энг кам улуш Сурхондарё вилоятига тўғри келди (жамига нисбатан 1,1%).

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ


Республикада сўнги йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2024 йил январь-сентябрь ойларида республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 48,2 млрд АҚШ долларига етди ва 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан 3,5 млрд АҚШ долларига ёки 7,7 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

Ташқи савдо айланмаси ва баланси (январь-сентябрь, млн АҚШ dollari)

	2023 йил	2024 йил	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан, % да
Ташқи савдо айланмаси	44 754,1	48 206,3	107,7	x
Экспорт	17 739,4	19 773,8	111,5	100,0
товарлар	8 175,4	8 853,8	108,3	44,8
хизматлар	3 868,4	5 014,1	129,6	25,4
номонетар олтин	5 695,5	5 906,0	103,7	29,9
Импорт	27 014,8	28 432,4	105,2	100,0
товарлар	25 206,9	25 861,6	102,6	91,0
хизматлар	1 807,9	2 570,8	142,2	9,0
Салдо	-9 275,4	-8 658,6	x	x

ТСАда экспорт ҳажми 19 773,8 млн АҚШ долларига (11,5 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 28 432,4 млн АҚШ долларига (5,2 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида -8 658,6 млн АҚШ dollari қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси (январь-сентябрь, млрд АҚШ dollari)



Юқоридаги диаграммада кўриниб турибдики, 2024 йил январь-сентябрь ҳолатига кўра Республиканинг ташқи савдо айланмаси 48,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилди, 2020 йилга нисбатан 20,7 млрд АҚШ долл. ёки 1,8 мартага ўсиш қайд этилган.

Ташқи савдо айланмаси – муайян давр учун мамлакат экспорти ва импорти қийматининг миқдори ҳисобланади. Товарларнинг ташқи савдо статистикаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш (импорт) ёки Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш (экспорт) натижасида мамлакат материал ресурслари захираларига қўшиладиган ёки улардан айириб ташланадиган товарлар ҳисобини ташқи савдо умумий ҳисоб тизими асосида юритилади.

**Ўзбекистон Республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори
улушга эга бўлган давлатлар**
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)

XXP	Россия	Қозоғистон	Туркия	Корея Республикаси
ТСА – 9 034,1	ТСА – 8 664,4	ТСА – 3 010,1	ТСА – 2 179,2	ТСА – 1 476,8
Экспорт: 1 528,3 Импорт: 7 505,9	Экспорт: 2 769,7 Импорт: 5 894,7	Экспорт: 997,7 Импорт: 2 012,3	Экспорт: 845,8 Импорт: 1 333,4	Экспорт: 27,4 Импорт: 1 449,3
 18,7%	 18,0%	 6,2%	 4,5%	 3,1%
Туркменистон	Франция	Германия	Афғонистон	АҚШ
ТСА – 867,8	ТСА – 859,4	ТСА – 856,9	ТСА – 762,1	ТСА – 672,2
Экспорт: 87,2 Импорт: 780,6	Экспорт: 588,5 Импорт: 270,8	Экспорт: 63,1 Импорт: 793,9	Экспорт: 739,5 Импорт: 22,6	Экспорт: 238,4 Импорт: 433,8
 1,8%	 1,8%	 1,8%	 1,6%	 1,4%

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 190 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСАнинг нисбатан салмоқли ҳиссаси ХХРда (18,7 %), Россияда (18,0 %), Қозоғистонда (6,2 %), Туркияда (4,5 %) ва Корея Республикасида (3,1 %) қайд этилган.

Бундан ташқари, қўшни давлатлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши, ушбу мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ва маданий соҳаларда муносабатларни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилаётгани қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг йирик ҳамкор давлатлар билан
ташқи савдо айланмаси динамикаси
(январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)


Давлатлар	2022 й.	2023 й.	2024 й.
ХХР	6 957,6	9 454,9	9 034,1
<i>Экспорт</i>	2 164,1	1 855,5	1 528,3
<i>Импорт</i>	4 793,5	7 599,5	7 505,9
Россия	6 656,1	7 034,5	8 664,4
<i>Экспорт</i>	2 215,7	2 326,6	2 769,7
<i>Импорт</i>	4 440,4	4 707,9	5 894,7
Қоғозистон	3 276,9	3 229,8	3 010,1
<i>Экспорт</i>	1 012,6	1 067,0	997,7
<i>Импорт</i>	2 264,3	2 162,8	2 012,3
Туркия	2 531,4	2 350,5	2 179,2
<i>Экспорт</i>	1 270,1	1 016,4	845,8
<i>Импорт</i>	1 261,3	1 334,1	1 333,4
Корея Республикаси	1 817,6	1 699,1	1 476,8
<i>Экспорт</i>	29,8	32,7	27,4
<i>Импорт</i>	1 787,8	1 666,4	1 449,3
Туркменистон	769,5	830,3	867,8
<i>Экспорт</i>	154,9	129,4	87,2
<i>Импорт</i>	614,6	700,9	780,6
Франция	232,1	658,8	859,4
<i>Экспорт</i>	69,4	307,6	588,5
<i>Импорт</i>	162,7	351,2	270,8
Германия	789,3	784,2	856,9
<i>Экспорт</i>	75,2	61,0	63,1
<i>Импорт</i>	714,1	723,2	793,9
Афғонистон	523,7	615,3	762,1
<i>Экспорт</i>	517,4	608,7	739,5
<i>Импорт</i>	6,3	6,6	22,6
АҚШ	336,5	441,6	672,2
<i>Экспорт</i>	47,1	101,6	238,4
<i>Импорт</i>	289,5	340,0	433,8

Жадвал давоми

Давлатлар	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Ҳиндистон	502,8	507,8	671,8
<i>Экспорт</i>	27,1	76,4	87,1
<i>Импорт</i>	475,7	431,4	584,7
Қирғиз Республикаси	886,8	753,8	587,5
<i>Экспорт</i>	702,9	537,4	403,0
<i>Импорт</i>	183,9	216,3	184,5
Беларусь	363,6	449,5	507,2
<i>Экспорт</i>	80,2	101,5	119,7
<i>Импорт</i>	283,3	348,0	387,5
Литва	368,8	510,6	492,9
<i>Экспорт</i>	67,7	98,7	151,4
<i>Импорт</i>	301,0	411,9	341,4
Тожикистон	473,9	545,4	486,2
<i>Экспорт</i>	352,9	437,0	371,4
<i>Импорт</i>	120,9	108,4	114,8
БАА	337,8	475,8	472,2
<i>Экспорт</i>	79,4	191,1	179,9
<i>Импорт</i>	258,3	284,7	292,3
Бразилия	402,3	553,6	384,4
<i>Экспорт</i>	0,9	2,0	7,7
<i>Импорт</i>	401,3	551,7	376,8
Эрон	344,1	378,4	359,2
<i>Экспорт</i>	122,7	133,7	121,7
<i>Импорт</i>	221,4	244,6	237,5
Чехия	116,8	280,9	353,6
<i>Экспорт</i>	21,8	39,8	43,8
<i>Импорт</i>	95,0	241,1	309,8
Покистон	201,0	283,4	311,2
<i>Экспорт</i>	118,6	186,2	228,4
<i>Импорт</i>	82,5	97,1	82,7

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича 20 та йирик ҳамкор-давлатлар орасидан тўртта давлатда фаол ташқи савдо баланси кузатилган. Хусусан, Афғонистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Покистон шулар жумласидандир. Қолган 16 та давлатлар билан пассив ташқи савдо баланси сақланиб қолмоқда.


Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари кесимида
ташқи савдо айланмаси
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)



Республика ташқи савдо айланмаси таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 38,8 % улуш (18 694,1 млн. АҚШ долларини), энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,6 % ёки 301,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Табиий газ ва электр энергияси, махсус экспорт, шунингдек, туристик хизматлар экспорти ҳажми Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари кесимида тақсимланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари
ва бошқа хорижий давлатлар билан ташқи савдо айланмаси
(январь-сентябрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ долларисида)



Республикада ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида, 2024 йил январь-сентябрь ойлари ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 34,9% ни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 % га кўпайган.


Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан умумий
ташқи савдо айланмасидаги улуши
(2024 йил январь-сентябрь, улуши, % да)



Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасининг энг юқори ҳажмлари Россия (51,4 %), Қозоғистон (17,9 %) ҳамда Туркманистон (5,2 %) давлатларида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси

(2024 йил январь-сентябрь, млн. АҚШ доллари)



Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) – халқаро юридик мақомга эга бўлган минтакавий иқтисодий интеграциялашган халқаро ташкилот бўлиб, 2014 йил 29 майдаги Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартнома билан тасдиқланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЕОИИнинг аъзо давлатлари (Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ва Россия Федерацияси) ўртасида товарлар ва хизматлар ҳаракати, мигрантлар ҳаракатланиши ва капитал ҳаракатининг эркинлиги таъминланган бўлиб, ягона божхона тизимига эга бўлган умумий иқтисодий ҳудуд шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 12 787,8 млн АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт ҳажми 4 303,4 млн АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 8 484,4 млн АҚШ долларига етди.

3 -БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКСПОРТИ

Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажми динамикаси

(январь-сентябрь, млрд АҚШ доллари)



Халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши экспортнинг барқарор ўсишига кўмаклашади ва бу ўз навбатида маълум натижаларга эришиш учун замин яратади. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар натижасида, экспортёрлар сони 6 710 тага етди ва улар томонидан 13 980,6 млн АҚШ доллари (номонетар олтиндан ташқари) қийматидаги (2023 йилга нисбатан 15,5 % га кўпайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

ХССТ* БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ТАРКИБИ

(2024 йил январь-сентябрь, улуши % да)



*Товарлар ташқи савдоси статистик кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан биргаликда, БМТнинг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гурӯҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиши калитлари ёрдамида амалга оширилади.


Ўзбекистон Республикаси ХССТ бўйича экспорт таркиби
(январь-сентябрь)

ХССТ таркиби	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
Жами	17 739,4	19 773,8	123,5	111,5	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Озиқ-овқат маҳсулот- лари ва тирик ҳайвон- лар	1 287,7	1450,9	119,3	112,7	7,3	7,3
Ичимликлар ва тамаки	89,6	97,6	116,0	108,9	0,5	0,5
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилгидан ташқари	228,7	237,2	79,7	103,7	1,3	1,2
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	679,1	1020,1	70,1	150,2	3,8	5,2
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	8,2	27,6	40,6	337,8	0,05	0,1
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	974,3	1225,8	100,0	125,8	5,5	6,2
Саноат товарлари	3 070,0	3184,4	91,5	103,7	17,3	16,1
Машиналар ва транспорт асбоб- ускуналари	943,2	884,3	143,8	93,8	5,3	4,5
Турли хил тайёр буюмлар	922,0	800,0	120,0	86,8	5,2	4,0
Бошқа товарлар	5 668,1	5 831,9	190,0	102,9	32,0	29,5
<i>шу жумладан: номонетар олтин</i>	5 637,5	5 793,2	189,8	102,8	31,8	29,3
Хизматлар	3 868,4	5014,1	121,0	129,6	21,8	25,4

Экспорт таркибида товарлар улуши 74,6 % ни ташкил этиб, улардан: бошқа товарлар (29,5), саноат товарлари (16,1 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (7,3 %) ва кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (6,2 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, экспорт таркибида олтин улуши жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 29,3 % ни ташкил этди. Умумий экспортда хизматлар, 2023 йилга нисбатан 2,8 % га кўпайди.

**Ўзбекистон Республикасининг МДХ мамлакатлари
ва бошқа хорижий давлатларга товар ва хизматлар экспорти
(январь-сентябрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ доллариди)**



2024 йил январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмасида товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкорларимиз ХХР, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон, Франция ва Қирғиз Республикаси каби давлатлар бўлган. Уларнинг умумий экспортдаги улуши 39,8 % ни ташкил этди.


**Республика экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши
(2024 йил январь-сентябрь, % да)**



Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга
оширган экспорти ҳажми ва ўсиш суръатлари
(январь-сентябрь ҳолатига)

Давлатлар	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
Россия	2 326,6	2 769,7	105,0	119,0	1	1
ХХР	1 855,5	1 528,3	85,7	82,4	2	2
Қозоғистон	1 067,0	997,7	105,4	93,5	3	3
Туркия	1 016,4	845,8	80,0	83,2	4	4
Афғонистон	608,7	739,5	117,6	121,5	5	5
Франция	307,6	588,5	4,4 м.	191,3	8	6
Қирғиз Республикаси	537,4	403,0	76,5	75,0	6	7
Тожикистон	437,0	371,4	123,8	85,0	7	8
АҚШ	101,6	238,4	2,2 м.	2,3 м.	13	9
Покистон	186,2	228,4	157,1	122,6	10	10
БАА	191,1	179,9	2,4 м.	94,1	9	11
Литва	98,7	151,4	145,8	153,4	17	12
Озарбайжон	99,0	149,5	104,5	150,9	16	13
Эрон	133,7	121,7	109,0	91,0	11	14
Беларусь	101,5	119,7	126,6	117,9	14	15
Буюк Британия	99,3	117,4	157,6	118,2	15	16
Туркманистон	129,4	87,2	83,5	67,4	12	17
Ҳиндистон	76,4	87,1	2,8 м.	113,9	20	18
Латвия	82,7	80,2	107,8	97,0	18	19
Польша	77,6	75,9	75,0	97,8	19	20

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида экспорти
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)



Республика экспорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 20,1 % билан 3 975,6 млн АҚШ долларини, энг куйи улушни эса Жиззах вилояти 0,8 % билан 149,4 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Экспорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари 2023 йилга нисбатан Навоий (167,2 %), Қашқадарё (134,4 %), Сурхондарё (133,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (124,1 %), Хоразм (124,0 %), Самарқанд (123,4 %), Фарғона (119,8 %) вилоятлари ва Тошкент (108,4 %) шаҳрида қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Сирдарё вилоятига (74,9 %) тўғри келди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
(2024 йил январь-сентябрь)

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2024 йил январь-сентябрда 1 495,2 минг тонна мева ва сабзавотлар экспорти амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 11,8% ёки 157,2 минг тоннага ўсган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
(2024 йил январь-сентябрь)

<p>Узум</p> <p>96,0 млн АҚШ доллари</p> <p>108,7 минг тонна</p> <p> 51,0% ↑</p>	<p>Карам</p> <p>43,0 млн АҚШ доллари</p> <p>163,3 минг тонна</p> <p> 2,0 м. ↑</p>	<p>Пىёз</p> <p>60,1 млн АҚШ доллари</p> <p>308,8 минг тонна</p> <p> 13,6% ↑</p>	<p>Гилос</p> <p>70,3 млн АҚШ доллари</p> <p>32,2 минг тонна</p> <p> 33,0% ↑</p>
<p>Узум (қуритилган)</p> <p>34,7 млн АҚШ доллари</p> <p>23,7 минг тонна</p> <p> - 26,3% ↓</p>	<p>Ўрик</p> <p>62,3 млн АҚШ доллари</p> <p>64,8 минг тонна</p> <p> 52,9% ↑</p>	<p>Нўхат</p> <p>3,6 млн АҚШ доллари</p> <p>15,2 минг тонна</p> <p> 11,3 м. ↑</p>	<p>Олхўри (қуритилган)</p> <p>21,3 млн АҚШ доллари</p> <p>14,9 минг тонна</p> <p> - 35,1% ↓</p>
<p>Олхўри</p> <p>25,9 млн АҚШ доллари</p> <p>32,3 минг тонна</p> <p> 18,9% ↑</p>	<p>Шафтоли</p> <p>96,5 млн АҚШ доллари</p> <p>103,0 минг тонна</p> <p> 43,6% ↑</p>	<p>Ерёнғоқ</p> <p>10,8 млн АҚШ доллари</p> <p>6,5 минг тонна</p> <p> 2,5 м. ↑</p>	<p>Сабзи</p> <p>27,0 млн АҚШ доллари</p> <p>112,0 минг тонна</p> <p> 89,7% ↑</p>

2024 йил январь-сентябрда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 1 045,5 млн АҚШ доллари қийматидаги мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 25,8 % га кўпайди ва жами экспортдаги улуши 5,3 % ни ташкил этди.

Мева – сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда энг катта улуш нўхот – 11,3 мар, ерёнғоқ – 2,5 мар, карам – 2,0 мар, сабзи – 89,7 %, ўрик – 52,9 %, узум – 51,0 %, шафтоли – 43,6 %, гилос – 33,0 %, олхўри – 18,9 % ҳиссасига тўғри келди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида мева ва сабзавотлар экспортининг қиймат жиҳатидан энг катта ҳажми Россияга тўғри келди (мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 44,7 % и) бу кўрсаткич Покистонга экспорт ҳажмидан 3,2 баравар кўп.

Россияга январь-сентябрь ойларида 467,3 млн АҚШ долларига тенг 618,9 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари жўнатилган бўлиб, мева ва сабзавотлар экспорти умумий ҳажмининг 44,7 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари иккинчи йирик истеъмолчиси Қозоғистон (14,1 %), учинчи Покистон (14,1 %) ва тўртинчи Афғонистон (7,3 %) ҳисобланади.

Ушбу тўрт мамлакат Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг асосий бозорлари бўлиб, уларнинг умумий улуши 80,2 фоизни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт географияси (2024 йил январь-сентябрь)

Давлатлар	минг тонна	млн АҚШ доллари	улуши, % да
Россия	618,9	467,3	44,7
Қозоғистон	433,6	147,7	14,1
Покистон	100,9	147,3	14,1
Афғонистон	45,4	75,9	7,3
Қирғиз Республикаси	121,8	44,6	4,3
ХХР	51,0	42,6	4,1
Туркия	14,9	27,1	2,6
Беларусь	14,9	11,9	1,1
Озарбайжон	6,7	11,6	1,1
Грузия	7,7	7,7	0,7
Ироқ	16,8	7,6	0,7
Украина	8,6	6,7	0,6
Эрон	5,5	6,0	0,6
БАА	10,7	5,5	0,5
Германия	3,3	4,7	0,4
Бошқа давлатлар	34,6	31,2	3,0

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти (2024 йил январь-сентябрь)

Сўнгги йилларда енгил саноатда юқори қўшилган қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Енгил саноат иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистон учун муҳим соҳа бўлгани ҳолда, аҳоли бандлигининг юқори даражасини, шунингдек, саноат салоҳиятига ҳамда давлатимизнинг халқаро нуфузига ҳисса қўшилишини таъминлайди.

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмлари ошишини бевосита пахта хом-ашёсини ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча қиймат яратиш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси сифатида қараш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришлар туфайли экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, экспортдаги пахта толаси улуши кескин камайди ҳамда 2010 йилда улуш 12,1 % ни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунларига кўра эса бу кўрсаткич 0,2 % ни ташкил этди. Бу шуни англатадики, тўқимачилик саноатида қўшимча қийматга йўналтирилган сиёсат самарали ва хом ашё сифатида камроқ пахта толалари экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси (2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)




Хусусан, 2024 йил январь-сентябрь ойлари якуни бўйича 2 213,6 млн АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, умумий экспортнинг 11,2 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 6,1 % га кўпайди.

Хизматлар экспорти

Хизматлар экспорти ҳажми 5 014,1 млн АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 25,4 % ини ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 29,6 % га кўпайди.

Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши сафарлар (туризм) (48,3 %), транспорт (36,5 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот (8,3 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (2,9 %) ҳиссасига тўғри келган.

Хизматлар экспорти
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)



Шу билан бирга, бошқа хизматлар (4,0 %)ни ташкил этиб, таркибида энг юқори улушлар молиявий хизматлар (1,1 %), суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари (1,0 %), ҳамда қурилиш хизматлари (0,6 %) ҳиссасига тўғри келди.

4- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИМПОРТИ
Ўзбекистон Республикаси импорти ҳажми динамикаси
(январь-сентябрь, млрд АҚШ доллари)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида импорт ҳажми 28 432,4 млн. АҚШ долларини ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 % ни ташкил этди. Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (35,5 %), саноат товарлари (15,1 %) ҳамда кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (12,2 %) ҳисобига тўғри келди.

ХССТ бўйича импорт таркиби
(2024 йил январь-сентябрь, улуши % да)



Товарлар импорти динамикаси таҳлилига кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида импорт қилинган товарлар ҳажми, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 417,7 млн АҚШ долларига кўпайди ва 28 432,4 млн АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар импорти эса 2 570,8 млн АҚШ долларига етди.

**Товарлар ташқи савдоси статистик кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) билан биргалликда, БМТнинг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навба-тида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилина-диган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиши калитлари ёрдамида амалга оширилади.*


Ўзбекистон Республикаси ХССТ бўйича импорт таркиби
(январь-сентябрь ҳолатига)

ХССТ таркиби	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Умумий ҳажмга нисбатан, % да	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
Жами импорт	27 014,8	28 432,4	121,2	105,2	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	2 542,5	2 649,0	107,6	104,2	9,4	9,3
Ичимликлар ва тамаки	141,3	175,3	138,9	124,0	0,5	0,6
Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	831,0	801,0	87,2	96,4	3,1	2,8
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	1 899,6	3 023,4	145,0	159,2	7,0	10,6
Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	308,2	251,0	135,2	81,4	1,1	0,9
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар	3 586,0	3 474,8	113,8	96,9	13,3	12,2
Саноат товарлари	4 491,1	4 300,2	105,7	95,7	16,6	15,1
Машиналар ва транспорт асбоб- ускуналари	10 315,2	10 084,3	145,4	97,8	38,2	35,5
Турли хил тайёр буюмлар	1 028,3	1 056,3	113,8	102,7	3,8	3,7
Бошқа товарлар	63,7	46,3	162,2	72,8	0,2	0,2
Хизматлар	1 807,9	2 570,8	95,8	142,2	6,7	9,0

2024 йил январь-сентябрь натижаларига кўра МДХ мамлакатларидан импорт улуши 36,0 % ни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 3,0 % га кўпайди.

Ўзбекистон Республикасининг МДХ ва бошқа давлатлардан
товар ва хизматлар импорти

(январь-сентябрь, улуши % да, ҳажми млн АҚШ долларда)



2024 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси 166 та давлатдан товар ва хизматлар импортини амалга оширди. Етти йирик ҳамкор давлатлар (ХХР, Россия, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркия, Туркменистон ва Германия) жами импортнинг 2/3 қисмини ташкил этди.

Республика импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши

(2024 йил январь-сентябрь, улуши % да)




Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкор давлатларга амалга
оширган импорти ҳажмлари ва ўсиш суръатлари
(январь-сентябрь ҳолатига)

Давлатлар	Млн АҚШ доллари		Ўсиш суръати, % да		Ўрни	
	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.	2023 й.	2024 й.
ХХР	7 599,5	7 505,9	158,5	98,8	1	1
Россия	4 707,9	5 894,7	106,0	125,2	2	2
Қозоғистон	2 162,8	2 012,3	95,5	93,0	3	3
Корея Республикаси	1 666,4	1 449,3	93,2	87,0	4	4
Туркия	1 334,1	1 333,4	105,8	99,9	5	5
Германия	723,2	793,9	101,3	109,8	6	6
Туркменистон	700,9	780,6	114,0	111,4	7	7
Ҳиндистон	431,4	584,7	90,7	135,6	9	8
АҚШ	340,0	433,8	117,5	127,6	13	9
Беларусь	348,0	387,5	122,8	111,3	12	10
Бразилия	551,7	376,8	137,5	68,3	8	11
Литва	411,9	341,4	136,8	82,9	10	12
Чехия	241,1	309,8	2,5 м.	128,5	18	13
БАА	284,7	292,3	110,2	102,7	15	14
Италия	326,8	275,8	129,9	84,4	14	15
Франция	351,2	270,8	2,2 м.	77,1	11	16
Япония	155,0	251,2	103,1	162,1	23	17
Эрон	244,6	237,5	110,5	97,1	17	18
Польша	231,8	202,4	166,6	87,3	19	19
Швейцария	246,8	191,6	145,1	77,6	16	20

2023 йил билан таққослаганда, импорт бўйича шерик мамлакатлар тўртталиги ўзгармади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан импорт ҳажмининг жадал ўсиши ҳисобига Чехия (13-ўрин) ва Япония (17-ўрин) 2023 йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда, ўсиш суръати 28,5 % ва 62,1 % га ортган ҳолда импорт бўйича йигирмата йирик ҳамкор мамлакатлар қаторига кирди.


Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлар кесимида импорти
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ доллари)



Республика импорти таркибида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 51,8 % билан 14 718,5 млн. АҚШ долларини, энг қуйи улушни эса Сурхондарё вилояти 0,4 % билан 105,1 млн АҚШ долларини ташкил этди.

Импорт ҳажмининг энг юқори ўсиш суратлари 2023 йилга нисбатан Қашқадарё (3,3 м.), Жиззах (145,3 %), Сурхондарё (120,6 %), вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (118,3 %) ва Тошкент шаҳрида (108,8 %) қайд этилди. Энг паст ўсиш суръати Хоразм (77,4 %) вилоятига тўғри келди.

Хизматлар импорти таркиби
(2024 йил январь-сентябрь, млн АҚШ долл.)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари якуни билан хизматлар импорти ҳажми 2 570,8 млн АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 9,0 % ини ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 42,2 % га кўпайди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши бошқа сафарлар туризм хизматлари (52,8 %), транспорт хизматлари (21,4 %), телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари (9,4 %) ва бошқа тадбиркорлик билан боғлиқ хизматлар (6,0 %)га тегишли бўлди.

Саноат товарлари импорти

2024 йил январь-сентябрь ойларида импорт таркибида саноат маҳсулотлари товарлари ҳажми 4 300,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,3 % га кўпайди ҳамда импортнинг умумий ҳажмидаги улуши 15,1 % га етди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан импортни ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Саноат товарлари асосан Россия (35,4 % – 1 520,7 млн АҚШ доллари), ХХР (32,4 % – 1 394,3 млн АҚШ доллар), Қозоғистон (12,2 % – 523,1 млн АҚШ доллари), Туркия (5,1 % – 217,6 млн АҚШ доллари) ва Корея Республикаси (2,5 % – 109,3 млн АҚШ доллари)дан импорт қилинмоқда. Ушбу мамлакатлар саноат товарлари импортининг улуши 87,6 фоизни ташкил қилмоқда.

Саноат маҳсулотлари импорт қилинган асосий ҳамкор давлатлар
(2024 йил январь-сентябрь ҳолатига)



Саноат маҳсулотлари импорти асосан чўян ёки легирланмаган пўлат (1 867,4 млн АҚШ доллари), металлдан тайёрланган буюмлар (590,1 млн АҚШ доллари), йигирилган ип, матолар, тайёр буюмлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (417,6 млн АҚШ доллари), резина маҳсулотлари (313,2 млн АҚШ доллари) ва бошқалардан ташкил топган.

Шу билан, юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва дунё мамлакатлари билан олиб борилаётган мустаҳкам алоқалар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётгани яққол намоён бўлмоқда.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор солиқ, божхона имтиёзларининг яратилиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун замин яратмоқда.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Товар – ҳар қандай кўчар мулк, шу жумладан валюта қийматлари, электр, иссиқлик ва бошқа турдаги энергия воситалари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташувчи транспорт воситалари, контейнер ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари;

Товарлар экспорти – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятсиз олиб чиқиш.

Реэкспорт – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими.

Товарлар импорти – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятсиз олиб кириш.

Реимпорт – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

Товарлар келиб чиққан мамлакат – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат “Божхона тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26- моддасига асосан аниқланади).

Товарларнинг белгиланган манзили – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

Товарларнинг статистик қиймати – шартнома валютасидан қатъи назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

Хизматлар (ишлар) экспорти — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

Хизматлар (ишлар) импорти — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасида товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришида, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (кейинги ўринларда – ХССТ) ишлатилади. Бу ўз навбатида таҳлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш учун имкон беради. Товарларни ХССТ бўйича кодлаштириши, ТИФ ТН ва ХССТ ўртасида ўтиши калитлари ёрдамида амалга оширилади.